


**БЕШ ВАҚТ  
НАМОЗ**





Тошкент  
"Моворауннахр"

Беш вақт намоз (намоз ўрганиш китоби).  
- Тошкент, “Моворауннахр”, 1997. - 24бет.

Ушбу китобнинг бошқа шундай китоблардан фарқи шуки, бунда намоз ўрганиш усуллари анча содда ва раво тилда берилган. Айниқса, эндигина саждага бош қўйишни ўрганаётганлар учун жуда яхши дарслиқдир.

Масъул муҳаррир — *Абдулазиз Мансур*  
Тузувчи — *Баҳодир Мурод Али*  
Техник муҳаррир — *Баширулла Шарипов*  
Рассом — *Рустам Зуфаров*  
Нашр учун масъул — *Озод Мўъмин*

“Фантаст” ташкилоти ушбу китобни синчиклаб кўриб чиққан ва қимматли фикрларни айтган мухтарам Абдулазиз Мансурга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Бу рисола “Фантаст” ташкилотидан берухсат қайта нашр этиш тақиқланади. Китобни шу ҳолида ўғринча чоп этиб сотувга чиқарганларнинг ва била туриб уни сотганларнинг жазосини Оллоҳга ҳавола этамиз.

Босишга 10.09. 1997 да рухсат этилди. Бичими 60x84/16.  
Нашр табоғи 1,5. Адади 2 000 дон. Буюртма № 26

“Моворауннахр” нашриёти. Тошкент, Зарқайнар кўчаси, 18-берк кўча, 47а.  
“Фантаст” ташкилоти. Тошкент, Қатортол, 60.  
МЧЖ «Рангли Туркистон» босмаҳонаси. Тошкент, Хуршид кўчаси, 122.

© “Фантаст” ташкилоти, тузиш ва безаш.

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ҳар бир мусулмон 7-ёшидан намоз ўрганиб, 10 ёшдан намоз ўқишга киришмоғи жоиз. Бу Аллоҳнинг ва пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламнинг буюрганидир. Аллоҳнинг амри бўйича ўқиладиган намозлар фарз намози дейилади. Пайғамбаримизнинг амр ва талабига кўра ўқиладиган намозлар суннат намозлари дейилади. Аллоҳга яқин бўлмоқ ниётида бўлганлар нафл намозини ҳам ўқишлари керак.

### Беш вақт намоз қуйидагилардир

- 1) Бомдод намози - 4 ракат: 2 ракат суннат, 2 ракат фарз.
- 2) Пешин намози - 10 ракат: 4 ракат суннат; 4 ракат фарз; 2 ракат суннат.
- 3) Аср намози - 4 ракат: 4 ракат фарз.
- 4) Шом намози - 5 ракат: 3 ракат фарз; 2 ракат суннат.
- 5) Хуфтон намози - 9 ракат: 4 ракат фарз; 2 ракат суннат; 3 ракат витр - вожиб намози.

Намоз ўқишдан олдин ҳар бир киши таҳорат олмоғи шарт. Таҳорат олмоқ учун енгларни тирсаклардан юқорилатиб шимарилади.”Аллоҳ ризоси учун таҳорат олмоқни ниёт қилдим” деб ниёт қилинади ва **“Аъзубиллаҳи мин аш-шайтонир роҷийм бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”** деб, бармоқларнинг оралари билан уч марта яхшилаб қўл ювилади. Бундан сўнг ўнг ховучда сув олиб, уч марта оғиз чайилади ҳамда ғарғара қилинади. Яна ўнг ховучда сув олиниб бурунга ачишгудек даражада сув тортилади ва чап қўл билан тозаланади (3 марта). Сўнгра уч марта яхшилаб юз ювилади. Бундан сўнг ўнг ва чап қўллар тирсаккача уч марта тозалаб ювилади. Қўлларга сув олиб тўкилади, нами кетмаёқ кафтлари билан бош устига масх тортилади (бошни сидирилади), бош адоғига етгач, кафтнинг орқа томони ила бўйиннинг икки ёни артилади. Яна қўллар хўлланиб,

шаҳодат бармоқ билан қулоқ ичини, бош бармоқ билан қулоқ ортини ишқаланади.

Кейин ўнг ва чап оёқ бармоқ оралари билан тўпикни қўшиб чап қўл билан уч марта ювилади. Таҳорат битгач, калимаи шаҳодат ўқилади. Таҳорат пайтида ҳам ўқиладиган дуолар борки, булар тозаликнинг мукамаллигини таъминлайди.

## НАМОЗНИНГ БОШЛАНИШИ

### Азон

Аллоҳу акбар (4 марта)

Ашҳаду алла илаҳа иллоллоҳ (2 марта)

Ашҳаду анна Муҳаммадар росулиллоҳ (2 марта)

Хаййбалас солаҳ (2 марта)

Хаййбалал фалаҳ (2 марта)

Аллоҳу акбар (2 марта)

Ла илаҳа иллоллоҳ 1 марта


Фақат бомдод азонида “Хаййбалал фалаҳ” дан сўнг “Ас солату хойрум минан навм” деб 2 марта ўқилади. Қолганлари одатдагича.

### Такбир

Такбир ҳам азоннинг ўзи, фақат “Хаййбалал фалаҳ” дан сўнг “Қодиқоматис солаҳ” деб икки марта қўшиб ўқилади. Такбир масжид бўлмаса, жамоат йиғилмаса, якка ҳолда ўқилганда барча фарз намозлардан олдин айтилади. Масжид ва жамоат йиғилганда муаззиннинг ўзи ўқийди.

## ЯККА ҲОЛДА НАМОЗ ЎҚИШ

Намоз ўқиш учун жойнамозни текис қилиб солинади. Қиблага қараб тик турилади. Оёқларнинг ораси тўрт бармоқ кенглигида очиқ бўлади. Намоз ўқишга киришишдан олдин ният қилинади. “Бомдод намозининг суннатини ўз вақтида



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4619> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4619> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4619>